

## Баҳс: Ҳар бир нарса ўрнида бўлгани яхши



19:00 / 09.12.2021 2511

Илмни бировлар билан тортишиш, уларни мот қилиш учун ўрганмоқчи бўлган инсон ниятини тезда янгилаб олиши лозим. Аллоҳ таоло бу ҳақда Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

**أَمْ يَلْعَنُ الَّذِينَ دُشُّوْا أَيُّدِيهِمْ وَيَدُلُّوهُمُ عَلَىٰ آيَاتِنَا لَئِيْفٍ مُّسْتَكْبِرِينَ  
مُصْحِفِي الْأَدْلَاءِ وَوَهَّابِي لِقَائِهِمْ**

«Одамлар ичида дунё ҳаётидаги гапи сени ажаблантирадиганлари бор. У қалбидаги нарсага Аллоҳни гувоҳ ҳам қилади. Ҳолбуки, у ашаддий хусуматчидир». (Бақара сураси, 204-оят).

Дарҳақиқат, баъзи одамлар бу дунёнинг ишларидан гапирса, чиройли сўзи, ширинсуханлиги, ўзини мухлис қилиб кўрсатиши, фақат яхшиликдан, муҳаббатдан, поклик ва тақводан лоф уриши билан сени ажаблантиради.



Мунозара пайтида сабр-тоқат, бағрикенглик қилиш талаб этилади. Лекин улар Аллоҳга фарзанд нисбатини берсалар ёки Аллоҳга ботил сифатларни нисбат берсалар, уларга, албатта, тегишли раддия билан жавоб қилиш қерак бўлади.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳга энг ёмон кўрган киши ашаддий хусуматчидир»**, - дедилар.

*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти.*

Бу ҳадисдаги хусуматчидан мурод ашаддий (тузалмас) хусуматчи, доимий хусумат қиладиган кишидир. Илм йўлидаги хусумат қиладиган биров унинг хатосини айтса, уни менсимайди, Аллоҳ таоло учун, дин учун гапирганини ўйламайди. Унга нисбатан хусумат, кибр қилиб ўзининг хатосини тузатишга ҳаракат қилмайди. Бизларни ҳам илмни Ўзидан у бошқа учун ўрганишдан, уни дунёга алмашишдан, тортишиш учун илм ўрганишдан сақласин.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ботил нарса хусусида билиб туриб баҳслашса (хусусатлашса), то ундан четланмагунча Аллоҳнинг ғазабида бўлади, дедилар.

*Имом Аҳмад ва Имом Абу Довуд ривояти.*

Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай айтдилар: «Ҳаё ва гуноҳ сўздан сукут қилиш иймоннинг икки шўъба (шаҳобча)си ва беадаблик ва баён (масхара ва мақтовдан иборат гуноҳ бўлган нарса) мунофиқликдан бўлган икки шўъба (шаҳобча)дир.

*Имом Термизий, Имом Аҳмад ва Имом Ҳоким ривояти.*

Илм аҳли тортишишдан йироқ бўлиши лозим. Чунки бу фақат гуноҳга олиб боради. Бундай тортишиш деганда нотўғри мақсад ва нотўғри услубда тортишиш тушунилади. Нотўғри йўлдагилар билан тортишиб, уларнинг айбини исботлаб бериш бошқа нарса. Унда ҳам босиқлик ва чегарадан чиқиб кетмасдан, исломий маданият ила тортишиш, у билан машҳурлик ва бошқа нарсаларни ўйламаслик қерак.

Маъруф Кархий роҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар Аллоҳ бир бандага ёмонликни ирода қилса, ундан амал эшигини ёпади ва унга тортишиш эшигини очиб қўяди.

Аллоҳ таоло хайрли ишларимизни бардавомли қилсин!

**Манбалар:**

*«Тафсири Ҳилол» китоби*

*«Раббоний уламолар» китоби*

***Хуршид Маъруф тайёрлади***